

Захириддин Мухаммад Бобурнинг бебахо адабий, илмий-назарий асарлари катори «Бобурнома»нинг ҳам ўрганилмаган тарафлари, кирралари шунчалар кўпки, уларни бугунги авлодга етказиш ўтмишдаги кадрятларимизни тиклаш, ундан бахраманд бўлиш, ёшларда юксак ватанпарварлик рухиятини тарбиялаш каби долзарб масалаларда алохида ўрин тутди.

Бобурнинг мухораба майдонидаги галабаларини таъминлаган омиллардан бири, балки энг мухими, унинг разведка хизматидан фойдаланиш қобилиятидир. Айни шу махорат минглаб лашкарларни ўлим балосидан асрашда, урушни ўз фойдасига хал қилишда, колаверса, атрофидаги кишилар рухияти, шахсиятини янада яхшироқ англашида, душман нияти – сир-асроридан аввалроқ воқиф бўлишда Бобурга кўл келган.

Таъкидлаш жоизки, разведка хизмати тарихи узок ўтмишларга бориб такалади. Ундан оқилона, тактик жihatдан пишиқ фойдаланган шахсгина юксак натижаларга эришган. Шох ва саркарда Бобурнинг юксак мантикий тахлили, уруш шароитини яхши англаши, яшиндек тез хулосага келиши, разведка хизматига ўз фурсатида мурожаат этиши ва қарийб адашмаганлиги кишини хайратга солади. «Бобурнома»дан бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

1503-1504 йилги воқеалар. Бобур Мовароуннахрдан ноумид бўлиб, Қобулга юз тутган, Хисор вилоятининг Илок яйловларини кезиб, тақдир бундан кейин унга не қунларни раво қўришини ўй-хаёлларидан ўтказаетган мураккаб давр, бор-ўйга «ушбу юртта йигирма уч ёшнинг ибтидосида юзумга устара қўйдум» деб навқирон йигитлигига ургу берган пайти. Ёш Бобур бу юртларда ҳукмронлик қилаётган Хисор беги, кейинроқ ўзининг ашаддий душмани бўлган Хисравшоҳ ва унинг салтанати хақида маълумотга эга бўлиш учун Мулло Бобойи Пашогарийни «элчиликка» юборди. Бобурнинг бундан максоди элчи йўллашгина эмас, зарур маълумотга эга бўлиш эди. Лекин, Бобурнинг таъкидлашича, Пашогарий «қўнгулга ёккудек сўз келтурмади». Аслида, Пашогарий жудаям қурук қайтмаган. У одамлар орасида бўлиб, айрим зарур маълумотларни етказган: «вале эл ва улусдин сўзлар келтурди».

Ўша вақтда Бобур ўз лашкарларининг кўп қисмидан айрилган, 200-300 аскар ва беклари билан қолиб, химоёга ўта мухтож эди. Бу пайтда теурий шахзодалар ва уларнинг беклари орасида лашкарларининг бир бек ёки султондан иккинчисига гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўтиши оддий ҳол бўлган. Бунда иқтисодий, маънавий, маиший жihatлар, албатта, омон қолиб лашкар сафида бўлиш масаласи асосий омиллардан бўлган. Шу боис Бобур учун Хисравшоҳ лашкарларининг қайфиятини билиш муҳим бўлган ва у бу вазифани разведка хизматига юклаган. Лекин натижадан унчалик қўнгли тўлмаган. Зарур маълумотга эга бўла олмаган Бобур ноилож Қохмард ва Бомиён томонга равона бўлади. Яна бир мисол Хисравшоҳнинг иниси Боқи Чағониёнийнинг Бобурга етказган разведка хабари билан боғлиқ. Афғонистонда ўз ҳукмронлиги асосини солаётган Бобур бегона юртдаги шаҳар, қишлоқ, ўрмонзор, қўча ва пастқўча, дарё ва сойлар хусусиятини жуда синчковлик билан ўрганади. Айниқса, бу лашкар хавфсизлиги, салтанат тақдири билан боғлиқ бўлса, Бобурнинг синчковлик қобилияти янада ошган, эҳтиёт чораларини қўришга қиришган. Хали Бобурнинг Қобул ҳокимияти мустаҳкам шаклланмаган бир пайтда, атрофидаги дўстлари ҳам душман рафторини қилганда уларнинг ҳар бир ҳаракатини ўрганиш, кейин хулоса чиқариш бениҳоя муҳим эди. Шу даврда Бобурга нисбатан ёвқарашда бўлган Боқи Чағониёний «арзга етқурдиким, сув кечмай ушбу ердин

(яъни Кўракатутдан – кавс ичидаги баъзи изоҳлар муаллифники), кўнуб, Кўхат отлук ерга борса бўлур эмиш...» Бирок Бобур бу хабарга унчалик ишонмади. Чағониёний Бобурни ишонтириш максадида бир неча айгокчи кобулийларни олиб келади. Тундан кейин бир қадар ишонган бўлса-да, ушбу маълумотга таяниб уюштирган хужумдан Бобурнинг кўнгли тўлмади: «Боки Чағониёний арзга еткурғандек НИМА черик элига тушмади. Бокибек бу саъйдин шармандарок бўлди». Бу разведка маълумотлари кундалик харбий амалиётлардан бирига хизмат қилган бўлса-да, Бобур бу масалага жуда жиддий ёндашган.

1528 йил воқеалари. Захириддин Бобур Хиндистонда Иброҳим Лўдийнинг юз мингдан ортик лашкарини енгган. Бу узок ўлкаларда Амир Темур империясини тиклашдек орзуси амалга ошганлигидан шод бўлган даври. Бирок бу пайтда унинг ҳукми Хиндистоннинг барча ўлкаларига тўлиқ ўтмас, қаршилиқ кўрсатаётган хинд рожалари, лашкар бошлиқлари хали анча ташвишлар орттирар эди. Бу вақтда Бобурнинг харбий махорати етилган, у юрт олиш учун ҳар бир хабар, маълумотдан борган сари унумли фойдаланар, хинд ерида тезроқ мустаҳкам, ҳар қандай ихтилофлардан холи давлатни тузишга ошиқар эди. Ана шундай пайтда Бобур шерикларининг олдига, Кўх деган жойга кема билан етиб келади. Унинг кайфияти яхши, руҳи галабалар нашидасидан кўтаринки эди. Уруш оралигида, исёнчи хиндулар, афгонларнинг тўсатдан қиладиган хужумлари вазиётида у курашчилар мусобақасини ўтказган, ҳатто бу спорт тадбири янада жонли ўтишини истаб, ўзи таъқидлаганидек, «хилофи қоида» «аввал зўрроқларни» майдонга чорлаган. Хуллас, бу пайт Бобур руҳиятида кам содир бўладиган хурсандлик дами бўлган.

Бирок бу кайфиятни Султон Муҳаммад баҳши келтирган разведка маълумоти ўзгартиради. Ҳаёт нашидасидан сармаст Бобур ўша захотиёқ шох Бобурга айланади. Шу жараёнда «Султон Искандарнинг ўгли Маҳмудхоннингким, Султон Маҳмуд дерлар эди, БУЗУЛҒОНИНИНГ хабарини келтурур». Демак, Бобурнинг разведкаси олдин унинг томонига ўтган Султон Маҳмудхоннинг «бузулгонини» етказган, яъни у ўз ваъдасидан қайтиб, Бобурга нисбатан душманлик кайфиятини ихтиёр этган. Бу хабар «намози дигар»да — кун қорайгунча етиб келган. Келаси куни «намози пешин» (куннинг ярми)да Бобур бу маълумотга ишонқирамай разведкага бошқа кишини юборади ва у ҳам айна хабарни келтиради. Бобур ёзади: «Икки намоз орасида Тожихон Сарангхонийнинг арзадошти ҳам жосус хабарига мувофиқ келур. Бу кайфиятларни Султон Муҳаммад келиб арзга еткурди». Ушбу маълумотномалардан сўнг «Бобурнома»да бу ердаги мухорабанинг айрим деталлари баён қилинади, Банорасга ўтган афгонларнинг шикаст топганлиги ҳақида сўз боради. Аслида, бу ҳол курашларнинг бир кунлик лаҳзаси, ҳолос. Аммо, шунга қарамай, Бобур ўз хабарчилари — разведкачилар келтирган маълумотларга катта эътибор билан қараган.

1507-1508 йилларни Бобур сиёсий қарашларининг энг масъулиятли даври, десак бўлади. Қобулда ўз сиёсий ҳукмронлигини мустаҳкамлаган Бобур Хиндистонга юзланади. Ўзининг айтишича, «Жумоидулаввал ойи Қобулдин Хиндустон азимати била кўчилди». Ана шу бир жумла доирасида Бобурнинг янги саргардонлик тақдири, ўзининг иқрорича «не бормокка ери муқаррар, не турмокка юрте муайян, юкори-қуйи яна бир ХАБАР ОЛГУНЧА юрт тоза қилиб кўчилур эди». Бунда Бобур аниқ қилиб разведка хизмати, унинг ишончли хабарини олмагунча бошқа ерларни ўз тасарруфига қиритишга шонилмаганлигини айтмоқда. Унинг бу тактикаси, харбий истеъдоди кейинроқ Хиндистон мухорабаларида жуда кўл қелган.

1507-1509 йил воқеалари. Бобур Кобулдан ҳозирги Жалолобод вилояти — Нингнахордан Хиндистон томон борар экан, жуда кўп афгон тўдаларига дуч келади, улар билан муҳорабалар олиб боради. Бу жараёнда ҳам Бобур разведка хизматиغا мурожаат этади. «Бобурнома»дан маълумки, Бобур учун энг муҳими, лашкарни эмин тутиш билан бирга уни озик-овкат, турар жой, чорва, отларни емиш билан таъминлаш бўлган. Армиянинг, салтанатининг озик-овкати масаласи хамиша биринчи галдаги вазифаларидан саналган. Бобур Нингнахор туманидаги Одинапур кўргонига якинлашганида айнан егулик махсулот, айникса, шоли танкислигига дуч келади. Кеч куз пайтида эса шоли дехконлар томонидан йигиштириб олинган, далаларда айтарлик ҳосил қолмаган. Бобур ёзади: «Кеч куз эди. Шолини тузларда аксар кўтариб эдилар. Ер билур кишилар арзга еткурдиларким, Алишанг туманининг руди юкори мил канори шолини калин экарлар. Черикка кишлик ошлик эҳтимоли борким, андин ҳосил бўлмай.» (Ҳақиқатда, Алишанг тоғликда жойлашган бўлиб, унинг тепарок қисмида шоли экини кеч пишади. Ушбу сатрлар муаллифи Афғонистон Жалолободининг бу мавзеида бўлиб, у ерда жуда юкори навли шолилар етиштирилишига гувоҳ бўлган). Бу ҳолатда разведка хизмати кўзланган натижани берган: «Нингнахор жилгасидан отланиб, илдам келиб, Сойгилдин ўтиб, Пуройин дарасигача борилди, калин шоли черик эли олдилар.» Мана бу мисол ҳам Бобурнинг ҳарбий-стратегик режалари билан боғлиқ. Воқеа Афғонистон ерларида, феврал ойининг ўрталарида содир бўлган. 1509-1510 йилнинг бу киши анча кеч келиб, Бобурга черикнинг озик-овкати ташвиши ором бермаётган пайт. У ёзади: «Сешанба куни ойнинг еттисида бекларни ва дилазак афгонлари улугларини тилаб, кенгашиб, сўзни мунга қўйулдиким, йил охир бўлубтур, хутга бир-икки кун қолибтур, туздаги ошликни тамом кўтарибтурлар. Бу фурсатта Саводка борсак, черик эли ошлик топмай танкислик бўлгусидур». Бобур ўзининг лашкарлари билан жуда машаққатли доvon, адирларни кезиб охири Панкйалий деган жойга тушадилар. Махаллий шароитни билиш, кейингина бир қарорга келиш учун Бобур «Ўгонбердини бир неча киши била тил олгали илгаррак» юборади. Бирок, Ўгонберди ҳам бу гал «кўнгул тилагудек таҳкик хабар келтурмади». Албатта, бу ҳол Бобурни қаноатлантирмаган. У яна разведка хизматиغا мурожаат этади: «Офтоб бир найза бўйи чикканда Рустам туркманниким, қаравулликка йиборилиб эди, хабар келтурдиким, афгонлар хабардор бўлиб, кўзголишибтурлар». Бобурнинг бу галги хабарчилари аниқ маълумот олиб қолмаганларидан сўнг, у таваккал қилиб ҳужумга ўтади, ганимларининг «бир пора асир ва ўй ва галаларини» қўлга киритади. Бобурнинг шу жойдаги бошқа разведка маълумотини олиши у билан қураш олиб бораётган афгон саркардаларининг умумий ҳолати ҳақида бўлиб, унинг энди, қайси йўлни танлаши учун муҳим эди. Аслини олганда, ҳудди шу фурсатларда, афгон ерларини унча яхши тасаввур этмаган Бобур учун бундай хабарлар зарур ва разведка хизматининг асосий вазифаларидан бўлган. Бу маълумотлар юзаки қараганда жўнрок кўринса-да, аслида Бобур ва унинг лашкарларини ўлимдан сақлаган, озик-овкатли мавзеларга етаклаган, қимга қарши қурашишни олдиндан белгилаб берган. Бобур ўзи учун умр мазмунининг асоси бўлган қарор — Хиндистон юришига: айна шу маълумотларга эга бўлганидан кейингина азм қилган: «Бажаврдинким, ёнилди, Бхира ҳаёли била ёнилиб эди, то Кобулга келиб эдук, хамиша Хиндустон юриши ҳаёлида эдук».

Мана бу мисол эса Бобурга бевосита уруш майдонида, унинг ҳал этувчи палласида разведка нечоғли қўл келганини кўрсатади. Бемалол айтиш мумкинки, Хиндистонни эгаллашдаги бу якуний уруш муваффақияти, имкон қадар Бобур лашкарлари учун қам

талафот билан якунланганлиги ана шу разведка маълумотларининг натижаси билан ҳам боғлиқ. Чунки биз «Бобурнома»нинг бирон саҳифасида Бобурнинг бунчалик кўп, устма-уст хабарчиларини маълумот йиғиш учун юборганини, разведка маълумоти мухораба ютугининг бош омили эканлигига бу қадар аниқ баҳо берилганини кўрмадик. Бобур ёзади: «Шанба куни жумодиул аввал ойининг ўн тўртида Агра навоҳисидин кўчуб, чоҳлар қозилгон юртқа келиб тушулди... Дарвеш Муҳаммад сорбон била Қисмтойким, Байанага бориб келиб, ер-сувни билиб эди, илгари Секрий кўлининг ёқасида юрт кўра йиборилди. Келиб, юртта тушуб, Махдий Хожага, Байанадагиларга киши чоптирулдиким, бетавақуф келиб, кўшулгайлар».

Демак, Бобур бу мухорабага киргунга қадар уч марта разведка хизматиға мурожаат этган. Унинг хабарчилари бу ернинг рельефи, сув захираси, холатини «кўруб-билиб» келишлари зарур эди. Бунда маълумот тўлақонлилигини таъминлаш, шубҳага ўрин қолдирмаслик топширилган. Бинобарин, хатоликка йўл кўйиш урушда енгилиш билан баробар бўлган. Бобур маълумотни олиб, қаноат ҳосил қилгандан сўнг тез хулосага келади: «...бетавақуф келиб кўшилгайлар». Яъни захирадаги кўшинлар унга келиб кўшилишини амр қилган. Шундан кейин ҳам кўнгли тўлмаган Бобур яна разведқадан фойдаланади ва ана шу хабардин кейин ва бу ерда жанг олиб боришга оид тайёргарлик ишларини якунига етказди. Чунки хабарчиларнинг маълумотиға биноан захира қучлари унга етиб келади, душманнинг қаерга, қайси масофада келиб тушганлигидан огоҳ бўлади ва шунга қараб қеракли жойларда қоровулларни тайинлайди: «Хумоюннинг навқари Бек Мирак мўғулни бир неча йигит била қофирдин хабар олғали йиборилди. Кечасиға бориб, хабар олиб, тонгласи хабар қелтурдиларқим, ганим кишиси Бусовардин бир қуруқ илгаррак келиб тушган эмиш. Ҳам ушбу қун Махдий Хожа ва Муҳаммад Султон мирзо ва Байанадаги илгор келиб кўшулдилар. Беклар навбат била қаравулликка таъйин бўлдилар».

Захириддин Бобур мухорабада ҳар қандай хатолик ёмон оқибатларга олиб келишини алоҳида таъқидлаган. Юқоридаги матндан кўринадики, Бобур разведка маълумотлари асосида ҳар бир бекни ўз лашқари билан маълум вақт ва манзилда қоровулликка тайин этган. Аммо, бу маълумотларга эътибор бермаган Абдулазиз бек жуда катта хатоликка йўл қўяди, ўзини ва лашқарини хавф остида қолдириб, уларнинг айримларидан айрилади, сафдошларини ҳам қалғитиб, уларнинг бошига турли қулфатлар ёғилишига сабаб бўлади. Ана шу мисолнинг ўзи ҳам Бобурнинг разведка маълумотларига нақадар эътибор бергани, унга ўзи амал қилгани, қаламравида бу тартибни бузганларга мурасасиз бўлгани далилидир. Зеро, Абдулазизнинг шу хатоси жуда катта мухорабага ҳозирлик қўраётган Бобурнинг режаларини бузади, Муҳаммад Али жанг-жанг қаби лашқарбошисини бу жангга қиритишга мажбур бўлади.

Мана бу мисол Бобурнинг Иброҳим Лўдий билан олиб борган қурашининг дастлабки пайтига тааллуқли. У Иброҳим Лўдий аскарлари холати, унга қим дўст, қим ганим эканлигини билиш, «тахқиқ қилиб» келишни разведка хизматиға буюради ва маълумот ишонарли бўлиши зарурлигини алоҳида таъқидлайди: «Сиялқоттин Шохим Нурбекни ҳам Лахур бекларига чоптирулдиким, ёғий не ерда эканин таҳқиқ қилиб, қайда қотилурларини соҳибқуқуқ кишидин билиб, айтиб йиборсунлар».

Бобур ўз юрти ва бошқа ерли савдогарлар орқали ҳам разведка маълумотлари олишга интилан. Албатта, бу усул янгилик эмас. Савдогарлар ҳуқмдорлар учун ҳамиша зарур маълумотлар етказиб туришган. Бироқ Бобурнинг бу галги мақсади аниқ нишонга теккан. У Иброҳим Лўдий ҳақида жуда муҳим маълумотга эга бўлади. Оламхоннинг

Иброхимга карши туриши, Хуросонда эса кўчманчи ўзбаклар Балхни мухосара килганликлари хакида маълумот олади ва зудлик билан катъий қарорга келади: «Оламхонга Хиндустон сари рухсат бериб, ўзумуз Балх устига отландук».

Куйидаги мисоллар юкоридагидек катта сиёсий ахамиятга молик бўлмаса-да, мухораба тақдирини белгилашда муҳим ўрин эгаллаган. 1525 йилги мухорабалар Бобурни анчагина чарчатган бўлса ҳам, ёнида тўнгич ўгли Хумоюн мардонавор курашиб, кўпгина асирларни, кўлга киритилган филларни олиб келиб мулозамат килганлиги унинг рухиятини кўтарган эди. Лекин Бобур ракиби Иброхим Лўдийнинг сир-асроридан, харбий имкониятидан кенгрок хабардор бўлишни мақсад килар экан, қандай бўлмасин, душман орасидан «тил» олиб келишни буюради: «Ул юрттан кўчуб, Шохобод келдук. Тил тутар учун Султон Иброхимнинг ўрдусига киши йибориб, неча кун бу юртта таваккуф бўлди». Демак, Бобур хатто разведка хабарини кутиб, бу жойда бир неча кун қолиб кетган. Унинг бу сабри ўз натижасини берган. У лашкарлари ва сафдошлари билан хавфсиз йўлни танлаб ҳаракат килган. Лекин бу жойга етиб келган захоти яна бир кишисини разведкага, яна «тил» тутиб келишга жўнатган: «Иброхимнинг ўрдусидин ҳам мутавотир хабарлар кела бошладиким, бир курух-икки курух кўчуб хар юртта икки-уч кун маком кила-кила келадур. Биз ҳам мутаважжих бўлуб, Шохободдин ора икки кўнуб, Жуун дарёсининг ёқосига Сарсава тўгриси келиб туштук. Хожа Калоннинг навқари Хайдарқулини тил тутта йиборилди».

Бобурнинг бу галги тиришқоқлиги, мақсад сари интилиши, юксак разведка қобилияти зарур натижани берган. Хайдарқули келтирган хабар Иброхим Лўдий билан бўлган жанг муваффақиятини таъминлаган. Бу хабарда душмanning харбий имконияти, армия сафларининг жойланиши ва сони, лашкарлар орасидаги ўзаро муносабат, хатто уларнинг қайси ҳолатда ўтириб-туришларигача тафсилоти билан етказилган эди. Бобур ушбу маълумотни олар экан, хужумга ўтиб, ўзининг энг кўзга кўринган сарлашкарлари Чин Темур Султон, Мухаммад Султон, Султоним Жунайд, Мир Хусайн ва бошқаларни бу мухорабага сафарбар этади. Натижа унинг кўнглидагидан ҳам яхши бўлади. Бобур мухорабаларда жуда катта ютукка эришади, ўзи ташаббус кўрсатиб Уста Алиқули тўпчи билан яратган тўпларини ишга солиб, Иброхим Лўдий устидан мутлак галаба қозонади. Бу натижаларни кўлга киритишда, албатта, бевосита унинг разведкага оид қобилиятининг ҳам муҳим хиссаси бўлган.

Аждодларимизнинг харбий салоҳияти тарихини ўрганиш ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат туйғусини уйғотишда алоҳида аҳмиятга эга. Бинобарин, миллатимизнинг харбий тарихи деярли ўрганилган эмас. Биргина Бобур харбий махорати кўплаб тадқиқотларга етарли материал бера олади. Бу масалаларни Бобурнинг моҳир адиб, шоир, олим, энциклопедик билим соҳиби сифатлари билан ҳамоханг ўрганиш, айниқса, янада катта самара беради.

**Хасан Қудратуллаев,
филология фанлари доктори**